



ЭШ ДОННИЧИ

Ўзбекистон комсомол-
эшлари рўномаси

1991 йил

26 март

Сешанба

№ 47 (13.733)

Баҳоси:
Обуначига — 6 тийин.
Сотувга — 10 тийин.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

السلام عليكم، عزيزي مشتري!

Жумҳурият деҳқонларининг катта кенгаши

ТОШКЕНТДА ЖУМҲУРИЯТ ҚИШ-
ЛОҚ ХУЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ
ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ УТДИ.

Қурултойда ишлаб чиқариш илғорлари, жамоа ва давлат хўжаликларининг маҳсулотини қайта ишлашчи корхоналар ва пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, фирқа ва шўро ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Хўжалик механизмнинг тақомиллаштириш ва бошқаруви билан иқтисодий усулларнинг жорий этиш асосида қайта қуриш шартинда озиқ-овқат ва техника экинлари етиштиришни қўлайлаштириш юзасидан қишлоқ хўжалиги ходимларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг қотиби А. И. Икромов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокарада ҳалқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг раиси, вилоят фирқа қўмитасининг биринчи қотиби К. Холмирзаев, Қорағалпоғистон жумҳурият Кенгаши раиси Қўйбўшиев номидан давлат хўжалиги директори К. Е. Юсулов, Хоразм вилояти Янгйўл ноҳиясидаги Ыроқ номида жамоа хўжалиги механизатори Б. Собинов, Сирдарё вилояти «Оқ олтин» ноҳиясидаги СССР 60 йиллиги номида давлат хўжалиги паррандабўғари Г. В. Слободкина, Сурхондарё вилояти Бойсуи ноҳиясидаги «Сайро» давлат хўжалигининг қўлони Х. Ҳаққулов, Тошкент вилояти Ғалаба ноҳиясидаги «Заря коммунизма» жамоа хўжалигининг бригадари Л. Г. Ким, Жиззах вилояти Жиззах ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг раиси П. Знётлов, Наманган вилояти Наманган ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг раиси Қ. Қосимов сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан кишилар ўтган йили муайян ютуқларга эришилганига қарамай, жумҳурият қишлоқ хўжалиги ҳали анчагина резервларга эга эканлигини айтдилар. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлаш қондириш учун ана шу резервларни ишга тушириш — барча жамоа ва давлат хўжалиги ишчиларининг энг муҳим вазифасидир.

Ингилиш ақли ҳузурда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи қотиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсанов Ингилларнинг қўлдан-қўл саволларига жавоб қайтарди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига муражаатнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).



Жумҳуриятимиз деҳқонларининг йилги ҳам тугади. У фикр алмашиши, ўзаро баҳо-мунозараларга сабаб бўлганлигини таъкидлашга бўлмас.

Ҳар йили ўтадиган бу қурултой деҳқоннинг йиллик режасини белгилайди. Унда кимдир ўзининг кичик ихтиросини, деҳқончилик борасидаги ютуқларини, алмашдиб экин хусусидаги ўйларини ўртоқлашади. Бошқаси мустақиллик оstonасига қўнган илк қадамнинг тўқилиши бўлади.

Айтиш жоизки, йилги иштирокчилари орасида она заманининг эртаси ҳақида, бозор иқтисодиёти шартинда деҳқоннинг турмуши устидан ўйлайдиганлар ҳам кўп.

СУРАТЛАРДА: жумҳуриятимиз деҳқонларининг қурултойидан даъдалар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ, Р. НУРИДДИНОВ (ЎзТАГ) ва И. ШЕРБЕК суратлари.



КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар кабинетининг фармойишига биноан Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсанов раислигида чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан жумҳурият аҳолисини иқтисодий ҳимоялаш тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш жумҳурият комиссияси тузилди. 24 март куни маъмур комиссияси ўзининг дастлабки мажлисини ўтказди. Унда аҳолига компенсация тўлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди, жумҳуриятнинг шу иш билан бевосита боғлиқ бўлган бир қатор идоралари, жумладан, Алоқа вазирлиги, банк муассасалари раҳбарларининг қисқача ахбороти тингланди.

Мажлисда идора ва ташкилотлар аҳолига компенсация тўлаш ишларини жадаллаштиришлари, айниқса, алоқа, почта, банк муассасаларининг тез ва пухта ишларини зарурлиги, бу ишга жуда катта иқтисодий ва сийосий аҳамиятга эгалик таъбир деб қаралгани лозимлиги, одамлар тегишли компенсацияни ўз вақтида олишлари учун ҳамма зарур тадбирлар қўрилиши кераклиги алоқанда таъкидлаб ўтилди.

Комиссия мажлисида махсус матбуот марказини тузишга қарор қилинди. Бу марказ аҳолига компенсация тўлаш ишлари жойларда қандай олиб борилаётганини ҳусусида телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали халққа мунозам маълумот бериб боради.

(ЎзТАГ).

ХУКУМАТ КОМИССИЯСИНING ХАБАРИ

Фуқаро вазирлиги Ўзбекистон бошқармасининг Тошкентдан Навоийга учган «АН-24» тайёраси билан 1991 йил 23 мартда юз берган авиацион ҳалокат сабабларини аниқлаш учун тузилган ҳукумат комиссияси ҳалокат юз берган жойга тезда етиб келди. Маҳаллий ҳокимият идоралари ва мутахассислар комиссияси ишга жалб этилди. Жабрланганларга Тошкентдан ва жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳарларидаги маълумоти тиббий ходимлар келиб ёрдам кўрсатишлари учун шовининг чоралар қўрилди. Навоий шаҳри тебобат муассасаларининг имкониятлари сафарбар қилинди. 7 жабрланувчи дозирини ўзидек касалхонадан чиқарди.

Комиссия биринчи навбатда авиацион ҳалокатнинг сабабларини аниқлаш учун ҳалокат юз берган жойга СССР фуқаро вазирлиги мутахассислари гуруҳи келди. Ҳукумат комиссияси ўз ишнинг давом эттирилмоқда.

ҚАЙТИБ КЕЛАВЕРАДИ

Байрамлар яқинда Умтилетган удуларнингизни ёлмига тушириш. Катта-кичи одамларни бир-бирларига яқинлаштириш, уларнинг орасидаги масофа озми-кўпми қисқартириш. Кунинча Тошкент темир йўлининг олий билимгоҳида ўқувчилар кичда ҳам устозлар билан шогирдлар тўпланиб, бир-бирларини НАВРЎЗ билан қўлга олиш. Дахтурхона тортидан таниш таом — сумалани талабларининг ойналари — сурхондорлик момолярини пиширишди. Ингилларни зукко ва дошмандай шор Мирзо Наманбек ва шор Фарид Усмоновларнинг дил сузларини, қайноқ ширларини жон қўлоқлари билан эшитдилар.

(Ўз мухбирига).



Вазирга посилка келди

Ҳаммамизни ўйлантирадиган бир воқеа бўлди. Яқинда унинг айтиб беришлари. Яқинда Ўзбекистон ССР ҳокимияти савол ваъзир С. М. Бақсовога номига Наманган вилоятидан келди. Унинг ичиде ўрик, майда ва бошқа турли меваларнинг қуритилган қонилари ҳақда 90 сўм пул ва ҳат бор эди. Мақсадни билиш иштида матбуотини ўқишга шовинди.

«Хурматли Санжалол Махмудович! Ушбу юборилган мезамчаларини педатрият олийгоҳида доволанган хаста болаларга берсангиз. Пулин ҳам керакли мақсадларда ишлатишар.

Хурма билан 1-гурӯх ногирон Эргаш Боймирзаев, Янгйўлгон ноҳиясининг Қўрик кўчаси 3-уйи. Саҳоватли бу инсоннинг айтганини қилдик. Совгалар олийгоҳ клиникасида доволанган болаларга тарқатилди. Пулга эса ўлик-чизларга ўйинчоқлар сотиб олинди. Бундан гўдаклар хурсанд. Ногирон бўлишига қарамай ўзгалар дардида шерик бўлган Эргаш акага раҳмат. Яқин кунлари кўп бўлсин.

Насриддин МУРОДОВ,
вазирнинг ёрдамчиси.

«Истеъдод—91»

Каттақўрғон шаҳар комсомол қўмитаси, шаҳар маданият бўлими, «Ицбол» ёшлар маркази

байрамимиз Наврўзга бағишлаб «Истеъдод—91» кўрик беллашувини ўтказди. Беллашувда қирқта яқин ҳаваскор, хонанда, сованда, раққоса, қизилчи ва бадий ўқш усталари ўз қобилиятларини намойиш этишди.

Мазкур кўрик орқали Каттақўрғон шаҳри ҳудудидаги корхона, ташкилот, маданият масканлари, билим даргоҳлари қошидаги бадий хўжаликнинг жамовалари, халқ дастларини иштирокчилари орасида ўнлаб истеъдод соҳиблари борлиги равшан бўлди. Шунинг эътиборига лойиқлик, синвода муваффақиятли иштирок этган ижрочилар асосан — билим юрталарининг талабалари ва мактабларнинг ўқувчиларидир. Шу бонс, режа-иқтисод техникумининг тоилаблари Махшўра Тешабоева, Дилрабо Абдураҳмонова, 5-ўрта мактаб ўқувчиси Шаҳноза Адисова, 2-ўрта мактаб ўқувчиси Комил Шамсуддиновларнинг ижрочилик маҳоратлари ҳақамлар ва мухлислар томонидан юқори баҳоланди.

Кўрик гойибларининг яқунловчи чиқишлари Наврўз байрами шодиёналарига улашиб кетди. Гойиблар Ерлик ва эсдакли совгалари билан тақдирланди.

Абдувазис ҲОШИМОВ.

Мактабда шодиёна

Оржоникидзе ноҳиясидаги Г. Ғулом номида 33-ўрта мактабнинг кенг ҳокимияти Наврўз кунини маҳмон ва мезамчаларини қўлтиришда торлик қилиб қолди. Кашна-сурнайлар эртелебдан ҳаммамни байрам тантаналарига чорлади.

Тўқин дастурхонини Наврўз сумалари, турли кўкатили пиширилган беъзиди. Учин-кулги, саҳналаштирилган лавҳалар намойиши бошланиб кетди, иштирокчиларга ош тортилди. «Улистон» маҳалласи фойдалари, хусусан, маҳалла оқсоқоли Илҳом Ҳамидов, унинг муовини Шавкат Тошпулатов, Ғаффор Жалиловлар байрам

шодиёналарининг мазмуни, ранг-баранг, тартибли ўтмишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Малика Соатова бош бўлган аёлларнинг сумалаги, Жалил Маннонов этакчи ошпазларнинг ширин палови таъми ингилганлар оғзиде қолди. Ғ. Ғулом номдаги мактаб ўқувчилари ва фаол юқори синф ўқувчилари тайёрлаган концерт, сахна қўриқчиларини тўпланганлар олқишлар билан кўтиб олдилар.

Наврўз байрами тантаналарида «Коммунизм» жамоа хўжалиги бошқаруви ҳайъати аъзолари, А. Қодирий номдаги Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳининг доценти Махмуд Сатторовлар иштирок этишди.

Дурбек САТТОРОВ,
Тошкент вилояти.

Меҳр ила оламга боқинг

Наврўзи олам келди! Ниёзо-камчиликларини, гина-ю кудуратларини бир зум унутинг, одамлар. Майда-чирда гапларни, гапларингизни ортага ташла. Чўки — Наврўз келди. Жуда бўлмаса бир кун меҳр билан боқинг оламга... Қаранг, дархатлар куртак очибди, ўт-ўланлар «ҳайти» дед бошларини кўтармоқда. Ғўзаллиги кумор кўзларига жор бўлган қизларнинг из-ил товланиб атлас кийимлари! Ҳамма ёр гўзал бўлиши керак бу кун...

Бу кун ишонч туғилади! Бу кун эътиқод яралажан. Оталаримиз Наврўз оқшоми бир-бирларидан ўтган номмақулчиларини унутганлар. Тўс-тўполонларини тўтатганлар. Наврўзга сажда қилинг!

Наврўз тараддудида корхоналарда, йуқ юрталарида, умуман барча-барча жойларда тантаналар аважига чиққан. Маҳалла-кўйлар бирлашиб, ўртада ҳафана қилиб, баҳорини твомлар — сумалак, кўк сомсалар, ҳалим пиши-

ради. Тўни билан қозон тепасида кўманганин бузишларимиз эл-юртга тинчлик, риқ-насиба тилайдилар. Сумалек солинган йдишлари ичиде тош чиққан қизлар-йигитлар «Бу йил бахтли бўламиз» дег ният қилдилар. Ва албатта, ниятларига етадилар.

Пойтахтнинг Ҳамза ноҳиясидаги 14-хўнар-техника билим юрти ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳам Наврўзни ўзгача қаршиладилар. Улар билим юрталари атрофини обод этиб, маҳалла аҳлига атаб жой ҳозирладилар. Кечга тўпланганларга ўқувчи йигитлар ўз санъатларини, маҳоратларини намойиш қилдилар. Волидалар сумалак пишириб, дастурхонга тортидилар. Жамулам бўлганлар миллий кўй, қўшиқлар тинглаб, ҳордик чиқардилар.

(Ўз мухбирига).

Омилкорлик сабоғи

Йигит-қизлар дилига қандай йўл топиш керак. Бунга аниқ аввало умларни таништириладиган муаммоларини омилкорлик билан ҳал этиш, ёшлар қўяётган саволларга эътири, рўй-рост жавоб бериш орқали эришиш мумкин. Аниқ, афсус, ҳозирда бу борада таъриба ва назарий билим етишмади. Бу нуқсонни бартараф этишнинг имконияти борми?

Албатта, бор. Ўзбекистон ЛКЕИ МҚ ва Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат қўмитасининг Ёшлар олий билимгоҳи шу йилнинг 3-9 апрелида вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари маъсул ходимларининг ўқувини ташкил этади. Бу таълимнинг асосий вазифаси — «Эшлик» ҳаракатимаси лойиҳасини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳ ўки муваққат иқидий жамоани назарий жиҳатдан тайёрлашдан иборат.

Мазкур ишни амалга ошириш учун сийсий тайёрларини ва иқтисодий-иқтисодий шартини бўлган вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари ўз вакилларини юборишлар тавсия этилди. Таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан маъсул ходимларнинг умумий билимига, ўз ҳудудидаги ёшлар муаммолари, умларни ҳал этиш имкониятлари, комсомол ташкилотларининг асосий ишлари тўғрисидаги маълумотга қай даражада эга эканликларига боғлиқ.

Биринчи кўрсатув Наврўзга бағишланди

Кўқон шаҳар комсомол қўмитаси қошида ёшлар «Мулоқот» телестудияси иш бошлади. Илк кўрсатув Наврўз айёмига бағишланди. Шаҳар ақли бир ярим соат давомиде байрам ингилликлари, Наврўз сайиллари, кўй-қўшиқлар, қизилқарли ва мазмуни кўрсатувлардан баҳраманд бўлишди.

Ушбу кўрсатув комсомол қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда ҳар ҳафта бир соат давомиде кўқонликлар иқтисодий-сийсий, иқтисодий мавзулардаги ингилликлар билан танишиб борадилар. Ёш қалам-кашлар ижодидан намуналар, берилад, сиймали хонандалар ижросида дилрабо кўй-қўшиқлар инграйд.

Б. ТОЛИПОВ,
шаҳар комсомол қўмитаси қотиби.

Пул курсин...

Чала-ярим пул ислоҳоти тугалланди. Иттифод Президентининг «СССР Давлат банкнинг 1981 йил нуқсасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун

қабул этишни тўхтатиш... тўғрисида»ги Фармони айрим пулдор шахсларнинг шошма-шошаринда қонунни бузишга уришишларига сабаб бўлди. Нега фуқаро тўлган катта миқдордаги бойлигининг «синишини» кўтара олмади...

Хоразм вилоят прокуратураси хабарномасига қараганда, пул алмаштириш жараёнида айрим фуқаролар жавобгарликка тортилган. Жумладан, пул алмаштириш комиссияси ишга қонунга хилоф равишда аралашгани учун Қўшқўрғон ноҳия прокурори Ўрдамчинов И. Ражабов вилоят прокурорини бўйруғи билан вазифасидан четлатилиб, прокуратура органларидан бўшатилад.

Ваъдан кўли нопок кишилар шу жараёнда ўз жамғармаларини давлатнинг ёки ширкатнинг, деб топширишга эришишди, жойлардаги комиссиялар бунга йўл қўйиб беришди. Масалан, Гулран, Урганч, Ҳазорасп, Хива ноҳиялари матбуот жамиятларида, Урганч шаҳар саноат моллари савдоси идорасида, умумий оватланниш трестиде, ёғоч ва қурилиш материаллари савдоси идорасида... қандалик пул тушуми одатдагидан анча юқори бўлган. Халқ хўжалик моллари тақчил, пештахталар бўмбўш бир пайтда-я...

Хива шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг 11-дўқондан сотувчи З. Нуруллаев 50 ва 100 сўм қийматли тўрт минг сўмин савдодан тушди, деб топширган. Тафтиш пайтида дўқон бўлиминдан ортинча анча мол чиққан. «Октябрь» матбуот жамиятига қарашли 2-дўқон сотувчиси Қ. Бобоқонов ҳам худди шундай йўл тутган.

Вилоят прокуратураси ана шундай олтинга иш юзасидан жиноий иш қўзғатган, тергон олиб борилад.

(Ўз мухбирига).

Ҳамон гапдан ишга ўтиш қийин бўлмади. Ҳамма таниқ қилди, тақлиф киритди, маслаҳат беради. Лекин тошбақа ҳамон эшик ортида — оstonада тимирикчиликни оёқ кийимини қидирмоқда. Демократия... ҳаля этилганда ҳаяжонланмаган, тўқинланмаган кимса қолмади. Мана энди, ҳаммаси яхши бўлади, деган тасалли, умид ҳар бир фуқаро дилига, онига мустақам ўрнашиб олди. Олдилар, хитоблар янгради, янграмоқда.

Лекин, демократия... қарийб 5 йилдан бери энг табаррук, муқаддас сўз сифатида тилга олиб келинаётган бу ибора ва у билан боғлиқ ҳаёти-ҳаракатлар маънисини бир деҳшон қишлоқчасига шундай изоҳлайди: ҳозирги ишлар занжирда узоқ турган буқани бирдан бўшатиб юборишга ўхшайди. Энди уни роса иришляб, рўпара келган дархуто деворини сузиб, ўзи ҳовуридан тўшмагунча ушлаб бўлмайди. Ҳовуридан тўшунча анча нарсани вайрон этиб, экинзорларни пайҳон қилиб ташлайди. Лекин буқа от эмас, айланаб-айлана, ўзича қознига қайтиб келмайди. Энди унга тоғорада тузуқроқ, тансиқроқ ем тутиш керак...

Ем эса, кундан-кунга тансиқроқ эмас, тансиқроқ бўлиб бормоқда. Бу аҳволни унлашга эса ҳеч кимнинг қизи емай қолди. Энди бошор қишлоқдаги ўтиш керак, деган фикр ҳамма учун бирдан-бир нажот рипшасига айланади ва ҳамма унга маҳкам ёпишиб олди. Аслида бир мамлакатдаги ноҳор вазиятдан чиқиб, фаровонликни яхшилаш учун қилинган ҳар бир ҳаракат заминда аввало кенглик, мўллик, энг зарури — арзончиликни таъминлаш мақсади ётиши керак. Лекин бизда бошор муносабатларига ўтиш сиёсатини нима

гадир бошланоқ ҳамма нарсани қимматлаштириш мазмунида тўқин қила бошладилар ва бу тушунчани халқ онига сингдиришга уриндилар, ҳар кунга, ҳар соатда сув ва ҳавода зарур бўладиган нарсаларга «талон» жорий этилди. Мақсадга эришилди ҳам; халқ «тушунди» ва оқ бўридай дўконларга, кераклигу кераксиз матоларга, захлаб, чирётган молларга ёпирилди. Ҳадемай пештахталар шип-шидам бўлди-қолди. Одамлар, ваздаларга кура, янги йилдан кўнаиб қолади деб кўз тутдилар, қимматласа ҳам кўнаиб эса бас, деб ўзларига тасалли бердилар. Лекин янги йилдан бир нечаси келди, кетди...

Нарсалар йўли, аммо нархнаво қовоқ палагайдай ҳаққалак отиб, юқорига ўрмаламоқда. Масалан, яқиндагина 22 тийин бўлган қабоб 75 тийин, 1 сўмга, 50 тийинлик лағмон — 1,5 сўмга чиқди. Гўшт масаласида, жумладан Андижонда мутасадди маҳкамалар қассобларга шундай оширилган нархни белгилаб бердилар: мол гўшти — 9, қўй гўшти — 12 сўм. Аввалроқ, мол гўшти 4,5 сўм қилиб белгилаб қўйилганда уни 6 сўмдан сотишарди. Энди бу ёғига қассобларга худодан инсоф (имон эмас!) тилашдан ўзга чора йўққа ўхшайди.

Нега шундай? Нега, масалан, санаот моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари кўпаймапти? Базан, илгартиги ҳамма завод, фабрикалар ишлаб турибди-ку, биронтаси ёпилгани ё ишламай қўйгани йўқ-ку? Нега аҳвол ёмонлашиб борилти, деган писандилар, заҳархандлар қулоқча чалинади. Кимдир моллар оморларда босилиб этибди, чиқаришмапти, сунъий равишда тақчиллик яратиб учун,

нархнинг кўтарилишини кутиб ўтиришди, дейди. Қайта қуриш душманлари атайлаб уюштирди, дейишди. Наҳотки, қайта қуриш ғанимлари шунча кўп бўлса? Наҳотки, уларнинг танобини тортиб қўйдиган бир куч топилмаса?

Аслида аҳвол бошқачароқ. Тўғри, ҳамма заводлар, корхоналар ишлаб турибди, лекин илгартигай ўтла куч билан эмас. Бир томондан, сиёсий иқтисод ибораси билан изоҳласак, эскирган, турғунлик даврининг ишлаб чиқариш воситалари билан янгича, қайта қуриш наздида ишлаб бошлаган ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги муносабатлар бир-бирига мос келмай қолди. Иккинчидан, ҳақиқий аҳволни, шу пайтгача алданиб яшаганини қайта қуриш, демократия шарофати билан англаб етган меҳнатнаш омманинг қўли ишдан совибди. Натияжада интизом бўшашиб кетди. Одамлар сидқидилдан ишламай қўйишди. Нима ба-ло, бургага аччиқ қилиб, кўршани ёқишмоқчимиз, дегинг келди.

Иқтисодий тангликдан чиқиб-чиқиб бирдан-бир йўли тадбиркорлик, аввало ердан тўла ва унумли фойдаланиш, деб уйланим ўзимча. Ахир японларнинг денгизда, томларда, айвонларда деҳшончилик қилишлари ҳақида матбуотда ўқиямиз-ку. Мен ўзимнинг камтарона тажрибам, ҳаётни кузатишларим асосида тўплаган мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Тўғриси, ҳозир деярли ҳамма тан олиб қолган, лекин фақат, астойдил ибрат олишга ҳаракат қилинаётган оддий арифметик ҳисоб-китоб бу. Масалан, қишқисқа тадбиркор бир оила томор-

қасида етиштирган анор ё узум, шафтоли ё олма маҳсулотидан оламида 2-3 минг сўм даромад қилади. Бундан ташқари шу ҳовлида ситир боқиб, сўт-қатигини ичади. Йилига бир неча буца ё қўйни семиртириб сотади. Анорзор ё шафтолизор ораларига баҳорда редисна, кейин помидор ё бошқа экин экади. Йил бўйи бу ишлар учун ҳеч ким ҳақ ҳам тўламайди. Шундай қилиб, 3-4 кишидан иборат бир оила 7-8 сотихли томорқасидан техникасиз, минерал ўғитсиз, йилига 4-5 минг сўм, баъзида ундан ҳам кўпроқ даромад қилади. Қолғочини ё деҳшон шу тарихда рўзгор тебратди, иморат қуради, қиз чиқариб, ўғил уйлайди...

Жамоа ҳўжалигининг 1 гектар (1) пахта майдонида йил бўйи қанча одам тер тўкиб, меҳнат қилади, (уларга қанча ҳақ тўламайди. Шундай техника ишлайди, қанча ёнигли сарфланади, қанча минерал ва маҳаллий ўғит солинади. Оқибат эса бир таниқли олимимиз келтирган рақам: 550 сўм! Буни қандай баҳолаш мумкин?... Биз эса, тоқат қилиш у ёнда турсин, пахта тайёрлаш давлат режасини бажаганимиз учун ҳар бир вилорят, ҳар бир ноҳия, ҳар бир жамоа ва давлат ҳўжалигида қарнай-сурнай садолари остида ҳосил байрамлари ўтказиб, ўлиб чопиб юрибмиз.

Пахта ерларидан ими-жимидан анча-мунча чегириб, аҳолига шартнома асосида сотилаётган жойларда 1 тийин сарфланади, 1 гектар пахтазордаги ҳосилдан олинмайдиган даромаддан 3-4 ҳисса кўпроқ пул ҳўжалик ҳаминга нақ тўлапти. Буни катта ҳам, кичик ҳам қуриб турибди, лекин, келинлар шу тажрибани кенгроқ жорий қилайлик, бизга така бўлсаем сўт берса бас-

ку, дейишмапти. Пахта яқнаҳокимиятининг эъни катта идораларда эътироф этиляпти-ку, амалда, гилдирак эсиқ издан чиқиб кетмаляпти. Дастлаб, пахта ерларини қисқарттириш ҳақида ёзувчилар, олимлар, журналистлар куюниб, ўз фикрларини исботлашга уринганларидан раҳбарларимиз «Бизда мевани ё сабаовотни қайта ишлайдиган завод, корхоналар йўқ», деган баҳонани кўрақларига қалқон қилиб минбарга чиқдилар. Лекин, орадан 5-6 йил ўтиб кетди-ку, наҳотки бу муддат ҳар бир ноҳияда биттадан завод қуриш учун қамлик қилса? Йўқ, қамлик қилмайди. Фақат биз ҳамон юқоридан ижозат ва марҳамат кутиб ўтирибмиз.

Ота-оналар ҳар хил бўлади: баъзилари ўзини элпаб нетишига қўзлари етган ўғилларни алоҳида қилиб қўядилар, айримлари аксинча: қарганимизда бизга асқотди, деб бағрилариди уди-шудлироқ фарзандларини олиб қолишди... Ҳуқумат бу борада қандай позицияда — англаш қийин бўляпти. Боқиманда, дея жумҳуриятлар шаънига таъна тошлари отилляпти, писанда қилинляпти. Жумҳуриятлар, унда алоҳида яшаб қўйляпти, дейишса, бунга йўл қўйлямаляпти. Ахир, боқиманда қанча кам бўлса, шунча яхши эмасми?... Пахтачи, ҳар қанча бўлса шартнома асосида етказиб беравериш мумкин-ку.

Мен баъзи ҳўжалик раҳбарларидан «Ростини айтинг, нега пахта та бунчалик ёпишиб олишган?» деб сурайман.

Чунки, дейди улар, биринчидан пахтачилик халқимизга ҳунар бўлиб қолган, иккинчидан, пахтадан бошқа нарсга шунча кўп катта-кичик матмуруларни боқолмайди...

Дарҳақиқат, дўппидай жамоа ҳўжалиги ҳам қолғоччиларни эмас (чунки, юқориди айтганимдек, аксарият қолғоччилар ўзини-ўзи боқиймоқда), 70—80 нафар маъмуриятчилик боқийшга хизмат қилляпти. Яқин-яқинларда ҳам бармоқ билан санарли раҳбар, 3-4

хотмалаш бўлиб ётади. Уларнинг қамтарона дала юзани умуман кўрмаган. Шударнинг ҳаммаси пахта қуфайли, пахтанинг пулига, пахта учун сотиб олинган! Мевачилик ҳўжаликлариди эса маъмурий ходим, техника кам, аммо даромад, фойда ортқи.

қа, инсонпарварроқ шпорлар билан алмаштирмаймиз?

Чунки иқтисодий инқирознинг бош омилларидан бири — маънавий қашшоқликмиз; эканлигини тан олишга қийналимиз. «Тарихни идеаллаштириш» тамғаси, ўтмишдан юз ўттириш сиёсати бизни ота-боболаримизнинг асрий ахлоқ-одоб қоидаларидан, русумларидан маҳрум қилди, шакколик, тарбиясизлик йўлидаги катта қаддам бўлди. Бир амаллаб кунингича, умрингича ўтказсанг бас, деган тушунча ҳамма учун бирдан-бир ақчидага айланди. «Халол-ҳаром» деган сўзлар ўз моҳиятини йўқотди. Маънавий қашшоқлик, тубанлашувга динсизлик ҳам сабаб бўлди. Динни тақийлаш, диндорни таъқиб этишда бизнинг сиёсати мизга Маркснинг «Дин халқ учун афюндир» деган гапи «дастуриламал» вази фасини ўтади, дин халққа, жамият, мамлакатнинг моддий ва маънавий ривожига ҳалақит беради, деб, қаалоққа ҳам ўқтирилди. Лекин дунёдаги бирон бир халқ диндан сўланмади-ку, шунча капиталистик мамлакатлар тараққийетга, гуллаб-яшнашга, уларда илм-фан, техниканинг оламшумул парвозига дин ҳалақит бермаляпти-ку, дейдиган одам 70 йил давомиди топилмади.

Ҳозир чайқовчилик мисли кўрилмаган даражада авж олди. Уларга ҳеч қачон бутунгичалик шароит яратилмаган ва ҳеч қачон бутунгичалик назоратсиз қолдирилмаган бўлса керак! Шаҳар қучалари, бозорлар чайқовчиға тўлиб кетди. Магазинида ойлаб ситирет сотилляпти, лекин ҳамма қанчада — чекиб юрибди, магазинида арқаб йўқ, лекин истаган топляпти. Санаот моллари, дўконларнинг пештахталари ҳувиллаб ётибди, лекин қўлда истаган нарсанигини



Қамчибек КЕНЖА ЭШИК ОРТИДАГИ ТОШБАҚА

та от-арава, содда, арзонгина техника воситалари билан ден, пахта экилиб, ҳосил йиғиштириб олинарди. Ҳозир гектар-гектар ерни ишғол қилиб турган жамоа ҳўжалиги гаражиға кирсангиз умрингизда номини эшитмаган техникаларни кўриб, эсингиз оғиб қолади. Энг ачинарлиси, бу техниканинг 80-90 фоизи бузуқ, занглаб, қисмлари

Нега шундай? Нега сўз билан иш бирлигига эришолмаймиз? Нега «Коммунистик партиянинг асосий мақсади халқ фаровонлигини оширишдир», «Партия ва халқ яқиндир» деган мужмал шпорларнинг қадрсизланганини эътироф эта туриб, уларни пештоқлардан олиб ташламаймиз, бош-

топасиз. Бўйига етган гўзал қизлар, шорсилдаган жувоналар, тақа мўлоблн забардаст йигитларнинг қўлида пайпоқ, атир совун, сигарет... Нарх-навога товоингизни кўтариб қўйилгангиз арағ етасиз. Сочингизнинг ҳеч бўлмаса бир толаси ё оқаради ё тўқилади... Е... бозор иқтисодига ўтиш дегани шумкинми?...

Чайқовчилик каби, порахўрлик, жиниотчиликнинг ортиси ҳам инсон деб аталувчи мавжудотда маънавиятнинг қашшоқлашуви, раҳм-шафқат туйғуларининг дарз кетганидан эмасми?

Агар имон-инсоф шу қадар қадрсизланиб кетмаганда чайқовчи 50 тийинлик сигаретни 5 сўм, 50 сўмлик пойбазали 500 сўм дегани жиндек уларди, юзи қи-зарарди. Ва энг ачинарлиси, биз ўшандай болохўрларнинг танобини тортиш ўрнига, уларнинг аждоқлари савдогар дейларди, деб ҳас-пўшламоқчи бўлиямиз.

Шу тарихда, ҳозирги вазият, ваҳима ва таҳлика одамотини Фақат худийлаштирмоқда. Агар бу туйғу инсоннинг миясига, шуурига ўрнашиб, қонига сингиб улгурса, кейин уни қайтиб чиқариб ташлаш амри маҳол. Ахир шундай фожианинг аламини тошмади-ку. Худийлик маънавий қашшоқликнинг энг сукули, тантиқ фарзандларидан бири-ку.

Биз, жадаллаштириш деганда иқтисодий танглик билан баробар маънавий биқилдикдан тетроқ чиқиб кетишни ҳам англамоғимиз ва шунга ҳаракат қилмоғимиз лозим эди.

Ешлар дунёқарашини тарбиялаш ва мутахассисларни тетроқ, кўпроқ тайёрлаш назарда тутилмоғи зарур эди. Олийгоҳларда мутахассислик ёнидаги иккинчи даражади дарслар ҳисобига ёшларнинг қамиди 1,5—2 йиллик умри



«Юз йил яшасанг — юз йил урғана сан» деган нақл бор. Кезагина олам-жаҳон Ладакх деган гўзал ва сирли днёр борлигини халқига ҳам келтирмаган эди. У Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатларининг тоғли қисмида жойлашган. Узоқ йўлларни қийин-ёкин қор босган, анчайин балаандликда... Кунлар ўтиши билан бу ерга ҳам назар тушди. Айтишларича ладакхликларнинг урф-одатлари ҳеч бир халқриқига ўхшамас, қуй-қўшиқлари, кийим-боялари ҳиндистонликларникидан тамом ўзгача экан. Шу кунларда Деҳли шаҳрида Ладакх кўчалари ўтказилмоқда. СУРАТДА: миялий кийимдаги ладакхлик қиз. ТАСС суратхроникаси. (ТАСС).



ШАРҚИЙ ОЛМОНИЯДАГИ НАМОЙИШЛАР

Шарқий Олмонияда одамлар норозилик билдириб яна кўчага чиқиди. 1989 йилнинг кузиди худди шундай намоийшлар бўлиб ўтиб хокимият ўзгарганди. Йўқ, бу сафар ҳеч ким яна ажра-шишни талаб этмаляпти. Аммо шарқий немислар фарбади корхоналардан нороз бўлишмоқда. Лейпцигдаги намоийшда 70 минг киши қатнашди. Улар қўлла-рига «Боннадаги жаноблар виждонингиз борми?» деган шпорлар кўтариб олишганди.

Бундай шпор кўтарилишининг боиси бор. Гап шундаки, Шарқий Олмонияда ишсизлик кўпайиб бормоқда. Дастлаб аппаратчилар ва давлат хавфсизлиги ходимлари маошдан маҳрум бўлишганда бу кўпчиликни ўйлантирмди. Энди эса наваб оддий одамларга келди. Фарбадалининг фикрича собиқ ОДЖдаги санаот корхоналарининг фақат бешдан биригина рақобатга дош бера олади. Ўз-ўзидан маълумки бундай корхоналар ҳеч кимга керак эмас. Шунинг учун улар ёпилиб, оммавий ишдан бўшатилиб бошланди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига қараганда йил охирига бориб 9 миллион ишга лаёқатли кишидан 3,5 миллиони кўчада қолади.

Бундай башорат шарқий немисларни даҳшатга солди. Етмаганидек август ойдан бошлаб собиқ ОДЖда кварта-ри ҳақи 4 баравар оширилди. Ваҳоланки, шарқий немислар фарбий немисларга қараганда бир хилдаги иш-ни бажариш ҳам кам маош олишди. Жумладан Шарқдаги металлург Фарбадаги ҳаммаси маошининг 60 фоизини олади, холос. Шунинг учун ҳам улар норозилик билдиршмоқда.

АНВАР ДҲХ ХОДИМИМИ?..

Янги Зеландия ҳокимлари мамлакатдан Анвар Разақович Қодиров деган кимсани ҳайдаб чиқаришди. Уларнинг фикрича Анвар жосуслик мақсадида ўрншиб қолмоқчи бўлган. Қодиров Янги Зеландияга Буюк Британиянинг сохта паспорти билан келган, кейин алақачон ўлиб кетган иккинчи хужжатларидан фойдаланиб, «маҳаллий» паспорт олишга уринган. Хужжатлари шубҳа туғдириб, қўлга олинган шўро фуқароси, ўзбекистонлик эканлигини тан олган. Шўро элчиси бунинг тасдиқлаган. Янги Зеландияликлар қуқурок текишириб ўтказиб, Анварнинг шўро махсус хизмати ходими эканлигини, бу ерга жосуслик қилиш учун келганли-

гани ва шу боис ўрншиб қолишга уринганини аниқлашди ҳамда миллий хавфсизликка ҳамф солади деб мамлакатдан қувийди. «Буларнинг ҳаммаси катта англошиломчилик», деди СССРнинг Янги Зеландиядаги элчиси Юрий Соколов.

А. КАБАНИКОВ, Ханой.

Дарвоқе! Бизнинг сўровимизга СССР ДХКнинг жамоатчилиги билан алоқа маркази бошлиғи генерал А. Н. Карбанов расий равишда СССР ДХКнинг бўлиб ўтган алоқага ҳеч қандай алоқаси йўқ, деди.

«Комсомольская правда» рўзномасининг 23 март сонидан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

- АМРИКОДА энг оммавешган касалик миллион шамоллаш экан. Африқоликларнинг 80 фоизи мазкур касаликдан жиб кўради. Бундан ташқари тумов ва оддий шамоллаш ҳам бу ерда энг оммавешган касалик ҳисобланади.
- МУСТАҚИЛ Ватикан давлати дунёда энг кам одамлик давлат ҳисобланади. 1986 йилги ҳисоб-китобларга қўра, мамлакат аҳолиси 750 кишини ташкил этган.
- ШИМОЛИЙ АМРИКОДА учрайдиган полифемус кепалек дунёда энг кўп эски иствомол қилмадиган жонзод экан.

У ҳаётнинг биринчи 48 соатда шунақлик зўр ишқача билан озмала-нарханки, натияжада шу 48 соат мобайнида ўз оғирлигини 86000 марта орттириб оқораркан. 3 кило, 17 грамм оғирликда туғилган чақалоқ 273 тонна оқатини паққос еб қўйиши билан баробар.

КУШЛАР ҲАМ ҚАЧОН УЧИШИНИ БИЛИШАДИ

- ГРЕЦИЯЛИК овчиларнинг галпга қараганда, ҳозирги кўчмачи қушлар аввалгиларга нисбатан анча яёр экан. Овчиларнинг қузатишича, қузда Грецидан жанубга ўчмадиган қушлар фақат дунёда кўни парвоз қилишаркан. Чунки дунёда ов қилиш маъ этилган кун. Қаранг, қушлар шуни ҳам фаҳмлаб қолшмбди. Овчилар уюшмаси эса

● ШВЕЦИЯРИЯЛИК Хайнц Болтсхаузен болалиқидан оқишчи ёр-қилкларни йиғиб юради. Унинг ёрқиллар тўлимида жаксонинг 65 мамлакатига мансуб 103640 та ёрқил бўлиб, шундан 2980 данаси мамлакатини мизда ишлаб қилмадиган тишлоқларнинг ёрқилқаридир.

Дарвоқе, тишлоқнинг ватани Швейцария. Бу йил ушбу махсулот ўйлаб топилганига 80 йил бўлади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Болалар шодлигидан ҳам қувончли нарса йўқ. Ҳар ким — ота-она ҳам, боғча тарбиячиси ҳам, муаллим ҳам ўғил-қизлар хурсанд бўлса дейди. Болакайларнинг қувончи эса ўзи бир дунё.

Келажак авлоднинг билдими бу баркамол ўсшини учун чинакам гамхўрлик керак. Бу муҳим ишда пойтахтдаги «Болалар дунёси» чакана савдо фирмасининг сергайрат хизматчилари ҳам четда қолмаптилар. Иқтисодий танглик давом этаётган ҳозирги кунда болалар ҳақида уйлаш, қайгуришни улар ўзларининг биринчи галдаги вазифалари деб билмақдлар.

Фирма савдо хизматчилари Наврўз айёмида кенг ишоналдилар. Кийим-кечаклар, ўйинчоқлар тансиқ бўлса ҳам болаларга совға-салом улашгани ёддан чиқаришмади. Улар Куйбишев ноҳиясидаги бир умрга ногирон бўлиб қолган 38 касаламанд болага ҳар ким кийим-кечак, ўйинчоқлар ҳақида эҳтишор.

Собир Раҳимов номидаги 24-болалар уйига 1000 сўмлик ўқув қуроллари тортиқ этилди. Октябрь ноҳиясидаги 207-болалар боғчасига 400 сўмлик совға топширилади.

Муқимий номли мусиқали драма театрида «Болалар дунёси» чакана савдо фирмаси ходимлари баҳор ва шодлик байрамни хушнуд кайфиятда кутиб олдилар. Шу кун таниқли қизиқчилар Мирза Холметов, Обид Асомовларнинг ичакузди хангомалари, жумхурият Ленин комсомолни жуқофоти совриндори Махжуджон Азимовнинг дилрабо қўшиқлари йиғилганларининг қалбига бир олам шодлик олиб келди.

Наврўз айёми, баҳор байрами диллардан-дилларга кўчди...

СУРАТЛАРДА: Байрам таътанасидан лавҳалар.

И. ШЕРБЕК суратга олган.



БОЛАЛАР ШОДЛИГИ ДИЛЛАРГА КЎЧДИ



САЙРИ БОҒ ЭТСАК НЕТАР

Навбахор юз очди ҳуррам, сайри боғ этсак нетар, Нағмасоз қушлар билан тенг дилин тоғ этсак нетар. Қир адирлар майса ёймиш, кўр нигоҳ этсак нетар. Лолазор тутмишди ёқут жом, фароғ этсак нетар. Ҳар қадамда турфа жилва, мшвакор наврўз этиб, Гунчалар шох узра термиш бор бисотин гул этиб.

Қайтадан борлиқ сафоли киши дилтанглик кетиб, Дардлашиб биз дилда шавқин шўх булоқ этсак нетар. Тонгда хушдир гул келиндек оқ кийинган тоғлар, Бизга таъзим этгани нақ ўзларини чоғлар. Сайр этайлик бирга-бирга билмайин чарчоғлар, Севгимиздан суҳбат айлаб, тоғма-тоғ кетсак нетар. Ҳар ниҳол тўлғонса нозли, дилда минг навуш намо, Шер сочиш бошдан қўйиб, шунер бу дам зумрад симо. Водийлар баҳмал кийибдир, тортиқлар бодиб-сабо, Йўқла Зоҳиджонни сен тарки фироқ этсанг нетар.

ЧАРАҚЛАБ КЕТСИН

Баҳор келиб қўйиб ҳам шўх нигоҳ ташлар бўлди, Боғларин беэаб баҳор, дов-дархат шунер бўлди. Гунчалар табассумлаб булбул кўй бошлар бўлди.

Туркигўй назмда наврўзи олам

Бирор халқ, эл, элат ёнқи бирор адиб йўқи, фасларини, жумладан кўлкамин тарануми элмаган бўлин. Дунёда қанчаки тил бор — уларда маъсум тароналари, баҳор таранумлари бор, фас шодийе кунлари, кўлкам байрамлари, куйлари бор. Маъсум шодийелари, баҳор байрамлари — бориқ баҳор халқлари — шодийеласи, байрами. Шунинг учундирки, бу байрамнинг оти зотиға хос, исми жисмига мосдир. У шодийеани бани одамдир, фароббахш байрам Наврўзи оламдир. Ўзбек (туркий) тилидаги энг илк таронаси бизга ўн биринчи эронлик адиби Юсуф хос Ҳожибнинг «Кутадгу билик» (қутга зилуқи билки) номили бадиий достонида этиб келган.

Хуш ислар пурқаб еллар, дилларин хушлар бўлди. Васлинг кўнглим баҳори Борлигини яратиб кел, Ишқинг билан дил қушим Булбулдай сайратиб кел. Бирга бўл дил оламин ёздай арақлаб кетсин, Туйғуларимда борлиқ муқом чарақлаб кетсин. Шавқим тоғ сойларидек жишиб, шарақлаб кетсин. Лутф эт кўнглим дафтарини кўнглинг варақлаб кетсин. Умримин беэатиб қол, Васлинг оромикондир, Зоҳиджоннинг юраги Билик, ишқингга қондир. Зоҳиджон ОБИДОВ.

Баҳорнинг бир куни

Чакмоқ булбулларини тилиб юборди: Ёлғир минг шодали марварид каби Яқираб-яқираб тўқилди. Кейин кечки сабо сайрга чиқди: даратдан тўқилган марваридларини Ёлғир бормоқ учун ўтлар эгилди. Кўйиб бир қизариб, боғди қайтадан. Унинг ташрифидан суюнгандайим Уфқ бирданга қизариб кетди. Кейин бўшаб қолди қуморланг осмон Учқур қушлар ҳам сенин айланиб Ёлғир ҳиди тўлган боғларга ўтди. Ой чиқди, юлдузлар чиқдилар потраб, Андор тўлқинига ўтказиб оқди. Кўнглим ёшормай улар туратин. Оқдан-ёшормай баланд ўрқилар тугиб бир-бирининг сергул шохини боқиб кирғизмади турнинг зулматин. Уни кетди. Тонг келди ранглар кўтариб, мундизин ясаиб юборди беҳад. Тонгдан бўёқ олиб гулларининг бари. Шунчалар улғувор, гўзал ашшани биродан ўрганмай қандай биларкин Табиатнинг доно фўқаролари... КУТЛИБЕКА.

Шоир Наврўз кўнгида баҳор фазилатлари, тарафларини санъаткорона бадиий бўйларда таъсирлар ээли, табиятдаги ўғониши, ҳаётдаги жонлашиш манзарасини турк эли тақдирини билан боғлаб, унга раво тарануми этади. Қуйида ани шу илк туркона Наврўз кўнгидаги бир қисмини ўқувчи диққатига ҳавола қиламиз.

Чечакзорде булбул наво соз этар Қонили тушу кўл оламини тутар Элик, кийин ўйнар чечаклар уза Буғу, сайғон ўйнар, юрар зап наза Кошқоқ осиб осмон, кўзи ёш сочар Қоҳолаб кулар гул, юзюни очар Буғу гуллар-урди наваб турини Яшн кийнади — тортиқ донг тигини. Бир чинди қийнади — у эллар тутар Бирининг овози хангома этар Туман турли гулларга гади ер юзи Яшил, кўк водий, тоғ, адир, қир юзи Бир иси бирла қилар хизматини Бир иқри, чирой-на тутар хурамант Бир қўнсада қўл қилмилар тутар Бир дунёга мушк исми тарқатар Егин ёғ турсин, очилсин чечак Яланг дов-дархатлар чинқарсин қўрак Замиш лоларанг бўлгандай, қизил Улан-ўт, чечак унгандай яшил Эл овини, севинча ва қўнчога тошиб Яшасин у Луқмон ёшдан ошиб. Тўпполчи филология фанлари номзоди Қ. КАРИМОВ.

1. Валиқ — Хут буржи (ойи). 2. Қўзи — Ҳамал буржи (ойи).

Мавзуга қайтиб

«СОҲИБҚИРОН ЎТГАН ЙЎЛЛАР...»

(1991 йил 4 январь)

долларлик олтинни арзонга келмади, деб ўйламанлар. Шу юришда қатнашсан, ороларидан бири амалга ошарди. Ирода АШУРМАТОВА, Фарғона вилояти, Ёзёвон ноҳияси, 23-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Суратнашлида ўн йиллик тақрибам бор. Киноҳаваскорлар клубида уч йил таҳсил олганман. «Красногорск»-8, «Зенит» — ЕТ» маршали кино ҳамда фото намерларим бор. Слайда қилиш ҳам қўлимдан келарди. Юришда қатнашганимнинг жон дилдан истайман.

Қўрғон ҚўРБОНОВ, Қирғизистон, Ўш вилояти, Арслонбўк қишлоғи, ўқувчи. Жаҳонгир бобомиз шаънига айтилган барча тухматларини фой қилиш сари қўйилган биринчи қадам сифатида ёшлар юриши уюштирилиши шарт. У фильм қилиниши лозим.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ, ССЖИ Журналистлар уюшмаси ёзёси, Қарши шаҳри. Тарихқа қизиқман. Иложи бўлса юришда қатнашардим. Муваффақият ер бўлсин, Сайриво САВАЛИЕВА, Фарғона вилояти, Қува

нинг қўлидан ҳеч нарса келмади, деб ўйламанлар. Шу юришда қатнашсан, ороларидан бири амалга ошарди. Ирода АШУРМАТОВА, Фарғона вилояти, Ёзёвон ноҳияси, 23-мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Суратнашлида ўн йиллик тақрибам бор. Киноҳаваскорлар клубида уч йил таҳсил олганман. «Красногорск»-8, «Зенит» — ЕТ» маршали кино ҳамда фото намерларим бор. Слайда қилиш ҳам қўлимдан келарди. Юришда қатнашганимнинг жон дилдан истайман.

Қўрғон ҚўРБОНОВ, Қирғизистон, Ўш вилояти, Арслонбўк қишлоғи, ўқувчи. Жаҳонгир бобомиз шаънига айтилган барча тухматларини фой қилиш сари қўйилган биринчи қадам сифатида ёшлар юриши уюштирилиши шарт. У фильм қилиниши лозим.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ, ССЖИ Журналистлар уюшмаси ёзёси, Қарши шаҳри. Тарихқа қизиқман. Иложи бўлса юришда қатнашардим. Муваффақият ер бўлсин, Сайриво САВАЛИЕВА, Фарғона вилояти, Қува

қанда ҳеч гап йўқ. Холбуки, юришда энг яқин қишлоқ — шу. Атрофда 120 дан ортқи қўш, жидла, булоқ, тепа, қирлар бор, ҳар бири ҳақиқатда қўнчи ва ривоятлар сақланган. Ҳор жуда улкан, 50 метрлар юрилга, уч томонга йўл кетади, бироқ ҳеч ким бу йўлларнинг, охирига етган эмас. Унда Шайбонийхон зулмидан қочган барлоқлар яширинган, деган ривоятлар бор. Ҳар йили бу ерга 1—1,5 минг киши келиб кетади. Юришда Қарши муаллимлар олий билимгоҳи ҳам ҳомийликка тақлиф этилса, унинг талабалари жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Хўжамаурод ЖАВБОРОВ, Қарши муаллимлар олий билимгоҳи ўқувчиси. Маршрутнинг ўзи кишини ҳаяжонга солади. Чунки у жуда қизиқарли. Юришда билимгоҳимиз талабаларидан ҳам қатнашганини хоҳлардим. Гулчехра НАЗИРБЕКОВА, Тошкент муаллимлар олий билимгоҳининг IV курс талабаси. Ҳеч бўлмаганда сиз «Темур тузуқлари»ни ўқиганимиз сўқир кетаркансиз. Юриш уюштирилганига азм қилинган жуда улғу иш, унинг муваффақиятли ўтиши тарафдориман. Қўшмачи равишда Самарқандга келувчи сайёҳлар пули ҳисобига «Амир Темур валюта банкнинг ташкили қилин. Самарқанд — Утро маршрут бундай ҳам сайёҳ уюштириш, ҳайқалар ўрнатилиш, нилгин адибаси Хилда Хуккем хонимнинг «Жаҳонгир Амир Темур» романини ўзбекчага таржима қилиниши тасвир этаман. Турсун СУННАТОВ, Бекбўб ноҳиясидаги Ойбек номили давлат хўжали-

ги ветеранлар меғашни раиси. Тянь-Шань тоғига чиққанман, альпинистликда етарли малакам бор, кинога тушира оламан. Экспедицияга қатнашмоқчиман. Мирёуб ҚОБИЛОВ, Каттақўрғон ноҳияси, Пайшанба шаҳри. Наполеоннинг ҳоки Авлиё Елена оролидан келтирилганда, Парижда бирданга 129 та шоҳсупа ўрнатилганини ўқиб, академик Тарленнинг «Наполеон» романи билан танишиб, французларга ҳавасин келганди. Бизнинг эъозлайдиган боболаримиз қанми? Юриш ҳақидаги фикрини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш даркор. Биринчи қадам қўйилса, янги режалар туғилмаверди. Эҳтимол, ўша гуллар келгусида музейга айлантирилиб, бутун жаҳон аҳлига намойиш қилинар. Экспедицияга кенгайиб, бу ёғи Қўндоштон, Қаназ, Туркния, бу ёғи Астрахан, Москвага юртлар. Бу жойларнинг жуғрофияси, тарихи, этнографияси аниқ эттирувчи хабарлар тузилишини, китоблар ёзилишини, истабил базисда Амир Темур ўлимий текшириш институти ташкил қилинса ҳам арайиди. Келажакда барча маълумотларини йиғиб, дунёга машхур музей очилса, деб умид қиламан. Бу ишларга қўл урилса, Ўрта Осиё халқлари, бутун дунё қўллаб-қувватлайди. Ҳатто, халқро банк ҳисоби очилса, дунёнинг турли мамлакатларидан маблағлар тушади. Ҳозирча булар оро, нақди эса мўлжалланган ёшлар юришининг муваффақиятини тасвирлайдир. А. МАВЛОНОВ, ТошПИ доценти, геология-минерология фанлари номзоди.

Тунги телевидение 00.50 Эстрада театри. В. Толкунова. «Аёл монолоғи». 01.50 «Степанчикова қишлоғи ва унинг аҳолиси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

9.00 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм («Ўзбектедфильм»). 9.35 «Ўзқолган хазира». Бадиий фильм («Мосфильм»). 11.00 Ойнан жаҳон хазирасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». * * * 18.00 Янгиликлар. 18.05 «Дарли рўй-рост воқеа». «Ваня борарди» картинаси. «Пластилиндан ясалган қарга». Мультифильмлар. 18.30 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.05 «Дунёни кўргим келарди...». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Инсон ва юзюни». Усмилрар жиноти ҳақида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Намолот сари». Шаҳноза Фозилжонова ва Убайдулла Алиев. 21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Бугун — Халқро театр кунин». 22.45 Ҳамза Ҳакимзода Нивезий. «Паранжи сирлари». Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

15.30 «ТСН». 15.45 «Михайло Ломоносов». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 3-серия. 17.05 «Қизқувчилар олами». 17.20 Болалар соати (инглиз тили дarsi билан). 18.20 Останкино концерт студиясида Тошкент шаҳридаги 1-олий хўнар билим юртининг директори Темур Иноғомов билан учрашув. 19.20 Н. Пейко. Квинтет-вариациялар. 19.35 «Қайта қуриш. Бу Японияда қандай бўлган?» 3-курсатув. Кўрсатувни сийсий шарҳловчи В. Цветов олиб боради. 20.20 «Променал-концерт» танштириди...». (Л. Рюмина). 20.40 «Биронинг олтини». Бадиий фильм 2-серия. 21.30 «Вақт». 22.15 Халқро театр кунига. МТнинг олтин хазирасидан. «Сизга севганда сузласам...». 23.20 «Қинопаюрма».

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ. ТАХРИР ХАҲЯТИ: Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Зиявуддин ОРТИҚХУҲАЕВ, Нарим РАҲИМОВ, Фаррух РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин РИХСНЕВ (масъул котиб), Қўрбон ЭШМАТОВ. Таъсис этувчи: Ўзбекистон АКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА). Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

Ўшлар сийсати — 32-57-93; иқодкор Ёшлар иқтисодиёт ва тижорат — 32-55-98; табиат ва экология — 32-57-52; спорт ва ватанпарварлик — 32-58-47; ақлон ва ахборот — 32-57-52; халқ таълими — 32-58-81; ҳақ таълими — 32-58-49; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 22-уй. Индекс: 64607, 330.000 нускада чоп этилади. Қўйғазмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтариқмайди ва таъдир этилмайди. Рўномамиз ҳафтаининг сешанба, чоршанба, жумба, шанба кунлари чиқади. Яна рўномамизда кўришгунингиз.